

## ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

*Худоёрова Ойсоат Келдиёровна*

*Тошкент тиббиёт академияси, педагогика  
фанлари номзоди, доцент.*

*Сайитмуратов Нодиржон Боймурот ўгли  
402-А гуруҳ талабаси*

**Аннотация:** Ушбу мавзунини ёритиш орқали интегратив таълимни ташкил этишнинг самарали йўллари аниқланган. Шунингдек, ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилувчи интеграциялашган таълимнинг муҳим ижтимоий компетенциялари ҳамда замонавий инновацияга асосланган фаолиятни ташкил этишнинг асосий тамойиллари илмий жиҳатдан асосланган.

**Калит сўзлар:** интеграция, интегратив таълим, интегратив ёндашув, интегратив компетенция, интеграцияланган дарс, интегратив ахборотлар, интеграция жараёнлари ва натижа.

Ўқувчиларнинг ижодий интеллектуал қобилиятларини юксалтириш, уларнинг комил шахс бўлиб шаклланишига эришишда интегратив таълим муҳитини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар компетентлигини шакллантиришда интегратив таълимни ташкил этишнинг интерфаол технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш, таълим даражасини сифат жиҳатдан тубдан такомиллаштиради.

Таълим жараёнида интегратив ёндашув таълим тизимида турли ўзгаришларнинг амалга оширилишига асос бўлади. Бу эса, мустақил фикрли, илмий салоҳиятга эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш учун асосий омилдир. “Профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси-ёш авлодга пухта билим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир”<sup>1</sup>. Таълим-тарбия жараёнида интегратив компетенцияни йўлга қўйиш ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришида кутилган натижани беради. Таълим-тарбия жараёнида интегратив ёндашув ўқувчилар тафаккурининг фаол ва чархланган бўлишини таъминлайди. Энг муҳими, ўзлаштириш лозим бўлган маълумотлар сифатини мукамал ва тўлиқ англаб этиш мумкин бўлади. Маълумки, таълимда интеграция деганда узлуксиз таълим доирасидаги мазмун тузилмаси боғланишига кўра, теварак-атроф олам тўғрисида бир бутун тасаввурни шакллантириш мақсадида боланинг ривожланиши тушунилади.

Интеграциялашган таълимнинг мақсади-оламни бир бутун кўришни шакллантиришдир. Интеграцияланган дарсларни режалаштиришда билимлар

бирлашади ва дарсларнинг бош мақсади аниқланади. Ўқув материалнинг мазмунида эса боғланишлар ўрнатилади. Натижада, интеграциялашган мазмунда боғланишлар намоён бўлади.

Интеграция таълимнинг тизимлилик тамойилини қўллашга имкон беради, мантикий фикрлашни ривожлантиради, ўқувчиларнинг дунёқараши кенгайди ва уларнинг пухта билим олиш имконияти пайдо бўлади ҳамда ижодкорлиги фаоллашади. “Интеграция (лот. *integrum* -целое; лот. *integratio*-тиклаш, тўлдириш) -сиёсий, иқтисодий, давлат ва жамоа тузилмаларини ҳудуд, мамлакат, дунё миқёсида жипслашиш, бирлаштириш.”<sup>1</sup>

“Интеграция” атамаси мазмун ва моҳият жиҳатидан узоқ тарихга эга бўлиб “тўлиқ, яхлит”, “бир бутун” деган маъноларни англатади. “Интегротив (яхлитлаш) ахборотларни ташкил қилувчи чексиз кўп кичик қисмларнинг ўзаро ажралмас боғлиқлиги уларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги асосида ягона тўғри хулосани аниқлаш”<sup>2</sup>

Интеграция бир нечта ўқув предмети материалларини методиканинг вазифаси ва ягона мақсадига табиий бўйсундириш асосида тузиш усули ёки предметлараро боғланишнинг энг юқори даражаси, умумметодологик принциплар асосида муаммони комплекс ўрганиш йўли деб ҳисоблаш мумкин. Бунда бир бутун билимларни яратишга имкон берувчи восита, атроф-муҳит ҳақида яхлит тасаввурни яратишда билимларни яқинлаштирувчи омил дея таъриф бериш унга тааллуқли мазмунни беради.

Таълимда интеграция масалаларини муваффақиятли ҳал этишда қуйидаги жиҳатларга жиддий эътибор бериш зарур ҳисобланади.

1. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фанлар интеграцияси бўйича ўзлаштирадиган назарий билим, кўникмаларини кучайтириш ва юқори даражада психологик-педагогик тайёргарлик орқали илмий-методик жиҳатдан самарадорликка эришиш.

2. Ўқитувчиларнинг фанлар интеграциясини амалга оширишнинг дидактик асослари ва ўқувчилар билиш фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини пухта билиш орқали таълим-тарбия жараёнида фаол интеграцияни мақсадга мувофиқ самарали амалга ошириш.

3. Узлуксиз таълим тизимида фанлар интеграцияси ечимини топишда ўқитувчиларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш, педагогик маҳоратини ошириш, дарс сифатини оширишга хизмат қиладиган интегротив ишланмалар яратиш орқали таълим муассасалари муаммоларини ҳал этиш.

<sup>1</sup> А.А. Абдуқодиров, А.Х. Пардаев Педагогик технологияларга оид атамаларнинг изоҳли луғати Тошкент-2012.

<sup>2</sup> Ж.Ф. Йўлдошев., С.А. Усмонов. Педагогик технология асослари .-Т.: 2001.

4. Узлуксиз таълим тизимида инновацион-интеграцион фаолиятни яхши йўлга қўйиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни янада ривожлантиришва мустақамлаш, янги илмий изланишлар йўналишларини белгилаш, амалиётга татбиқ этиш асосида билимларни пухта ўзлаштириш ва мантикий фикрлашга эришиш.

Интеграция ўқувчиларнинг билимларини бир тизимга солади. Интеграция жараёнлари илм-фаннинг турли соҳаларини ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш бир бутун қилиб бирлаштириш, яхлит ҳолга келтириш деганидир. Таъкидлаш керакки, интеграция айрим бўлақларнинг ёки элементларнинг бир-бирига қўшилиши, бир бутунга айланиши, яхлитланишидир.

Интегратив таълимни йўлга қўйишдан олдин ўқитувчи фанлараро интеграцияга хос қатор жиҳатларни яхши ўзлаштириши ва маълум тушунча ҳосил қилиши лозим бўлади. Сўнгра, ўқувчининг ёши, ақлий ривожланиш даражаси ва албатта қизиқишлари доирасига мос тарзда восита ва усуллар танлайди.

Интеграцияланган дарс одатдаги дарслардан: -аниқлиги, ихчамлиги, ўқув фанларининг ҳар тарафлама мантикийлиги, ўқув материалининг кенг кўламли ахборотга эгаллиги билан ажралиб туради.

Интеграциялашган дарсда фанларнинг алоқадорлиги, ўқув фанлари ўқитувчиларининг дарсдаги фаолияти, хатти-ҳаракати мувофиқлаштирилади ва машғулотлар натижаси аниқланади. Интеграцион таълим ижодий ҳамкорлик муҳитида самарали бўлиб, унда таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар муваффақиятли амалга оширилади. Интеграцион дарснинг ютуқли жиҳати шундаки, ўқувчилар машғулотларда бир бутун, яхлит тасаввурга эга бўлиб, аниқ билим, кўникма, малакалар йиғиндисини эгаллайдилар. Бу эса, ўз ўрнида инсоннинг дунёга нисбатан фаол муносабати ва инновацион фаолиятини таъминлашга хизмат қилади.

Интегратив таълим жараёнининг муҳим жиҳати шундаки, ўқувчи билимларни чуқур тушуниб ўзлаштиради ва маънавий юксалиб боради. Ҳар бир мавзунинг долзарб жиҳатлари аниқланади. Бу ўринда қизиқарли факт, воқеа, кутилмаган топилма, ихтиро ва янги кашфиётлар, чиройли тажриба, ностандарт ёндашувларга мурожаат қилинади.

**Хулоса** қилиб айтганда, таълим жараёнидаги интеграция илмий билимларни ўзлаштиришга нисбатан онгли муносабатни таркиб топтиради. Таълим-тарбия жараёнини изчил, узлуксиз, тизимли ҳамда аниқ ижтимоий мақсад асосида ташкил этиш, фанлараро алоқадорликда интеграцияга таянган ҳолда иш кўриш кўзланган мақсадга эришишнинг кафолатидир. Таълим жараёни интеграциялашуви ёшларнинг маънан соғлом, теран фикр юритувчи,

етук, илмий салоҳиятга эга, кенг дунёқарашли инсон сифатида камол топишига ижобий таъсир этади.

Маълумки, комилликнинг асоси-илм ва маърифатдир. Қалбга йўл маърифатдан бошланади. Маърифатли инсон маданиятли, айна дамда маънавиятлидир. Сўзлаш маърифатдан, тинглаш маданиятдан, англаш маънавиятдандир. Жаҳолатга қарши маърифатбилан курашиш учун билим, тафаккур, юксак даражадаги хулқий ва нутқий маданият зарур бўлади. Бунинг учун интеграция жараёни худди шу масалада ўқитувчи ва ўқувчиларнинг компетентлигини ривожлантиради. Энг муҳими, таълимнинг ижтимоий имкониятларини кенгайтиради.

Шунингдек, интеграциялашган таълим муҳим ижтимоий компетенциялар-зарурий ҳаётий кўникмаларни эгаллаш, янги ғояларни яратиш, шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш, соғлом фикр юритиш, муаммоларни ҳал этиш, мослашувчанлик ва толерантлик, ташаббускорлик, етакчилик ва масъулият, тўғрилиқ ва ижобий хулқни намоён этишни шакллантиришга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

<sup>1</sup>А.А.Абдуқодиров, А.Х.Пардаев Педагогик технологияларга оид атамаларнинг изоҳли луғати Тошкент-2012.

<sup>2</sup>Ж.Ғ. Йўлдошев., С .А. Усмонов. Педагогик технология асослари .-Т.: 2001.